

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

30 октябрь 2017 й.г.

№ 882

Тошкент ш. – г. Ташкент

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг матбуот хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Жамоат тартибини сақлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари томонидан қўрилаётган комплекс чора-тадбирлар ҳамда юзага келган вазият ҳақида ахолини ўз вақтида хабардор қилишнинг амалий тизимини яратиш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг унинг тузилмасида ходимларнинг белгиланган сони доирасида матбуот хизматини ташкил этиш, унинг фаолиятини қуидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармаси оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш хизмати;

Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармалари матбуот гурӯхлари негизида ташкил этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

2. Матбуот хизмати тизимида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси тузилсин, қуидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ички ишлар органлари фаолиятини ахборот кузатуви ишларини мувофиқлаштириш, улар мансабдор шахсларининг фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув ва брифингларини, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва мамлакатда хукуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари бўйича фуқаролар билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқотларини ташкил этиш;

хукуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида ахолига ўз вақтида ва ишончли ахборот етказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш ва зарур шарт-шароитлар яратиш;

худудий ички ишлар органларининг матбуот хизматлари фаолиятига ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш, уларни республиканинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишларини таъминлаш;

оммавий ахборот воситалари ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи материалларини туну-кун мониторинг ва таҳлил қилишни таъминлаш, нотўғри хабар ёки ички ишлар органлари обрўсига путур етказувчи материалларга зудлик билан муносабат билдириш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги расмий веб-сайтининг самарали фаолиятини ташкил этиш, унга доимий равишда ахборот материалларини жойлаш ҳамда ички ишлар органлари таркибий бўлинмаларининг веб-ресурсларини назорат килиш ва мувофиқлаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи лавозимиға кўра, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг матбуот котиби ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси ҳузурида медиамарказ ташкил этилсин, қўйидагилар унинг фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

жамоат тартибини сақлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг долзарб масалалари ҳақида аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиш бўйича медиалойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш, уларни бажаришда ҳамкорлик ўрнатиш;

мамлакатдаги криминал вазият, ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида нотўғри ва бошқа ахборотлар тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида телеканалларда ўз вақтида, кенг ва ишончли объектив баҳо бериш;

ички ишлар органлари мансабдор ходимларининг аҳоли билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқотини амалга оширишда кўмаклашиш, жамоат тартибини сақлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг муҳим масалаларини ва фуқароларнинг долзарб муаммоларини мухокама қилиш ва ҳал этиш учун жамоатчиликни кенг жалб этиш.

5. Қўйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

б) Қўйидаги бирламчи йўналишларни кўзда тутувчи ички ишлар органларининг ахборот кузатуви соҳасидаги фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича Комплекс чоратадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан, Дастурда қўйидаги устувор вазифалар назарда тутилсин:

ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида жисмоний ва юридик шахсларнинг маълумот олиши учун таъсирчан механизми ва мультимедий имкониятларини жорий этиш;

ички ишлар органларининг оммавий ахборот воситалари ва веб-ресурсларини, ноширлик, телевизион ва студия фаолиятини ривожлантириш;

ички ишлар органларининг матбуот хизмати фаолиятини такомиллаштириш, унинг кадрлар ва касбий салоҳиятини мустаҳкамлаш;

ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этиш;

ички ишлар органлари матбуот хизмати фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, унинг моддий-техника базасини янада яхшилаш;

в) «Ўзбекистон Республики Ички ишлар вазирлигининг «Postda» – «На посту» газеталари ва «Qaiqon» – «Щит» журналлари бирлашган таҳририяти» давлат унитар корхонасининг ташкилий тузилмаси З-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллый телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллый ассоциацияси билан ҳамкорликда иккى ой муддатда ички ишлар органлари матбуот хизматларининг республика ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутувчи қўшма қарор қабул қиласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматини журналистика соҳасидаги юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш механизмини назарда тутувчи штат жадвалини бир ой муддатда ишлаб чиқсан ва тасдиқласин;

ички ишлар органлари мансабдор ходимларининг учрашув ва брифингларини эфирга узатиш шартларида доимий равишда жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқук-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари бўйича фуқаролар билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотлар ташкил этиш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширсин;

2017 йил 1 декабргача бўлган муддатда - жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлган жиноят ва воқеаларни ўз вақтида ва ишончли ёритиш тартибини тасдиқласин, шу жумладан, ички ишлар органларининг мазкур масалалар бўйича ваколатли масъул ходимларининг эфирга чиқишиларини ташкил этсин;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида иккى ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзи қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уч ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китoblари бўйича ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 30 октябрдаги
882-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик
ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда ИИВ деб аталади) марказий аппаратининг таркибий тузилмаси ҳисобланниб, ички ишлар органлари матбуот хизмати ишини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни таъминлайди.

2. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

3. Бошқарма ўз фаолияти масалалари бўйича белгиланган тартибда ички ишлар бошқа органлари, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда давлат бошқа органлари, ташкилотлар, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қиласди.

4. Ички ишлар органлари матбуот хизмати тизимиға қўйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси;

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Postda” – “На посту” газеталари ва “Qalqon” – “Щит” журналлари бирлашган таҳририяти” давлат унитар корхонаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг матбуот гурӯхлари;

ички ишлар органлари тармоқ хизматлари ва таълим муассасаларининг матбуот гурӯхлари.

5. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штампга эга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири тасдиқлаган бошқарма фаолияти спецификаси тасвирланган рамзга эга бўлиши мумкин.

2-боб. Бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Куйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари хисобланади:

ички ишлар органлари фаолиятини ахборот кузатуви ишларини мувофиқлаштириш, улар мансабдор шахсларининг фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув ва брифингларини, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари бўйича фуқаролар билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотларини ташкил этиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши қурашиб соҳасидаги ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида аҳолига ўз вақтида ва ишончли ахборот етказиш бўйича комплекс чоратадбирлар кўриш ва зарур шарт-шароитлар яратиш;

худудий ички ишлар органларининг матбуот хизматлари фаолиятига ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш, уларни республиканинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишларини таъминлаш;

оммавий ахборот воситалари ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи материалларини туну-кун мониторинг ва таҳлил қилишни таъминлаш, нотўғри хабар ёки ички ишлар органлари обрўсига путур етказувчи материалларга зудлик билан муносабат билдириш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги расмий веб-сайтининг самарали фаолиятини ташкил этиш, унга доимий равишда ахборот материалларини жойлаш ҳамда ички ишлар органлари таркибий бўлинмаларининг веб-ресурсларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

7. Бошқарма ўзига юклangan вазифаларга мувофиқ қуйидаги асосий функцияларни амалга оширади:

а) ички ишлар органлари мансабдор ходимларининг учрашув ва брифингларини эфирга узатиш шартлари билан доимий равишда жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан жамоат хавфсизлигини таъминлаши ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари бўйича фуқаролар билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиши ишларини мувофиқлаштириш соҳасида:

ички ишлар органлари ахборот кузатуви ишлари тизимида таҳлил ва режалаштириш, ушбу йўналишда ташкилий тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

ички ишлар органлари ўтказадиган тадбирлар, чиқишлар ва учрашувларни белгилangan тартибда кенг ёритиш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ваколати доирасидаги қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот, ички ишлар органларига жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда кўмаклашиш масалалари бўйича фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан учрашувларини ташкил этиш;

ички ишлар органлари мансабдор ходимларининг жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан учрашув ва брифингларини ташкил этиши чораларини кўриш;

ички ишлар органлари мансабдор ходимларининг ахоли билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотини амалга оширишда кўмаклашиш, жамоат тартибини сақлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг долзарб масалаларини ва фуқароларнинг кундалик муаммомларини мухокама этиш ва ҳал қилиш учун кенг жамоатчиликни жалб этиш;

Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-хукукий хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва унда иштирок этиш;

б) аҳолини ички ишлар органларининг ҳукуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиши борасидаги фаолияти ҳақида ўз вақтида ва ишончли хабардор қилиши бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриши ва зарур шарт-шароитлар яратиш соҳасида:

оммавий ахборот воситалари ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи орқали ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиши фаолияти бўйича долзарб масалаларни ахолига доимий равишида етказиб туриш;

ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида нотўғри ва бошқа ахборотлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида, мамлакатдаги ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги вазиятнинг ўз вақтида ва ҳаққоний ёритилишини таъминлаш;

“Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Postda” – “На посту” газеталари ва “Qalqon” – “Щит” журналлари бирлашган таҳририяти” давлат унитар корхонаси фаолиятини мувофиқлаштириш, тизимли таклифлар асосида унинг ишлаш шакл ва услубларини такомиллаштириш, тармоқ босма нашрларини чоп этишига кўмаклашиш;

аҳолини жамоат тартибини сақлаш, ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг обрўсими кўтариш, уларнинг намунали образини шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган ташвиқот ва ахборот-тушунтириш тусидаги тадбирларни ўтказишини ташкил этиш;

в) ҳудудий ички ишлар органлари матбуот хизматлари фаолиятига ташкилий-услубий кўмаклашиши, республика жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш соҳасида:

ички ишлар органлари тармоқ хизматлари, ўқув муассасалари ва ҳудудий бўлинмалари матбуот гурухлари фаолиятини таҳлил ва мониторинг қилиш ишларини ташкил этиш бўйича тавсия ва услугубий кўлланмалар ишлаб чиқиши;

ички ишлар органлари фаолиятини ахборот кузатуви соҳасида “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Postda” – “На посту” газеталари ва “Qalqon” – “Щит” журналлари бирлашган таҳририяти” давлат унитар корхонаси фаолиятига баҳо бериш;

ички ишлар органларининг оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш комплекс чора-тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

ички ишлар органлари фаолияти ахборот таъминотида фуқаролик жамияти институтларининг самарали иштироки учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ички ишлар органлари матбуот хизмати ходимларининг мутахассислик йўналишлари бўйича малакаларини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш чораларини кўриш;

г) оммавий ахборот воситалари ва бутунжашон Интернет ахборот тармоғи материалларини туну-кун мониторинг ва таҳлил қилиб боришини таъминлаш, ички ишлар органлари ходимлари обрўсига птур етказувчи, нотўғри ахборотга эга материалларга дарҳол муносабат билдириши соҳасида:

оммавий ахборот воситалари ва бутунжашон Интернет ахборот тизими материалларини туну-кун мониторинг ва таҳлил қилишни таъминлаш, нотўғри хабар ёки ички ишлар органлари обрўсига птур етказувчи материалларга зудлик билан муносабат билдириш;

ички ишлар органлари фаолиятининг ахборот таъминотига хавф туғдиришини аниқлаш, баҳолаш ва кўра билиш, мазкур хавфларга қарши курашиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига оммавий ахборот воситалари ва бутунжашон Интернет ахборот тармоғида ички ишлар органлари фаолиятига берилган баҳо ҳақида ахборот бериш;

д) Ўзбекистон Республикаси ИИВ расмий веб-сайтининг самарали ишларини ташкил этиши, тизими равишда унда ахборот материаллар, шунингдек ички ишлар органлари таркибий бўлинмалари веб-ресурсларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириши соҳасида;

ички ишлар органларида ўтказиладиган учрашув ва чиқишлиар ҳақидаги материалларни доимий равишда тўплаб бориш ва умумлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ расмий веб-сайтида ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги натижалар ҳақидаги маълумотларни мунтазам жойлаштириш;

ички ишлар органлари таркибий бўлинмалари расмий веб-сайтлари фаолиятини назорат қилиш ва услубий кузатиб бориш.

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Бошқарманинг ҳукуқлари, вазифалари ва мажбуриятлари

8. Бошқарма ўзига юклangan вазифа ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳукуқларга эга:

тегишли давлат идоралари бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, бошқа ташкилотлардан ҳамда фуқаролардан – ахборот, маълумот ва бошқармалар фаолиятига доир масалалар бўйича материалларни белгиланганд тартибда сўраш ва олиш;

Бошқармага юкланган вазифаларни бажаришда ички ишлар органлари бўлинмалари маълумотлар базасидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

ички ишлар органлари расмий вакили сифатида оммавий ахборот воситалари ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғида чиқишилар қилиш, шунингдек, улар орқали ички ишлар органлари фаолияти ҳақида ахборот ва видеоматериаллар тарқатиш;

ички ишлар органлари томонидан берилган ахборот ва материаллардан келиб чиқиб оммавий ахборот воситаларига ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғига жойлаштиришга мўлжалланган маълумотларнинг зарурлиги ва ҳажмини белгилаш;

ички ишлар органлари томонидан тақдим этилган ахборот ва материалларни таҳрир қилиш ва оммавий ахборот воситаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ расмий веб-сайтида охирги таҳрирда жойлаштириш;

ўз ваколати доирасида ички ишлар органлари матбуот хизмати бўлинмалари томонидан бажариш учун мажбурий бўлган ёзма ва оғзаки кўрсатмалар бериш;

ички ишлар органлари матбуот хизмати раҳбарлари ва ходимларининг хизмат тайёргарлигини ошириш доирасида ўқув-услубий йигинларни белгиланган тартибда ташкил этиш;

ички ишлар органлари матбуот хизмати моддий-техника таъминотини яхшилаш, ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш.

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукукларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9. Бошқарма қўйидагиларга мажбур:

ўз ваколатлари доирасида ички ишлар органи фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, ўтказилаётган тадбирларининг ҳар тарафлама ахборот кузатувини, шу жумладан, Ҳукукбузарликлар профилактикаси куни, Ёнгинлар профилактикаси куни доирасида зарур чора-тадбирлар кўриш;

Ўзбекисон Республикаси ИИВ раҳбариятига ички ишлар органлари матбуот хизмати ишлари тўғрисида зарур маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этиш.

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

10. Бошқарма зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

4-боб. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш

11. Бошқармага Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қиласи.

Бошқарма бошлиғи лавозимиға кўра бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг матбуот котиби ҳисобланади ва белгиланган тартибда тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бир нафар ўринbosари бўлади.

12. Бошқарма бошлиғи:

ишларни ташкиллаштиради ва бошқарма фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи, зиммасига юклangan вазифаларни бажаришга шахсан жавоб беради, ўз ўринbosари ва ички ишлар органлари тармоқ хизматлари, иаълим муассасалари ва худудий бўлинмалар матбуот гурухларининг функционал вазифаларини белгилайди;

Бошқарманинг иш режасини тасдиқлайди;

ўз ваколати доирасида кўрсатмалар беради ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариyтига ички ишлар органлари барча шахсий таркиби бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар лойиҳаларини киритади;

ички ишлар органлари матбуот хизматига кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйиш ишлари бажарилишини назорат қиласи, уларнинг касбий даражасини ошириш, кайта тайёрлаш, хизмат ва меҳнат интизомига риоя қилишига қаратилган тадбирларни ташкил этади;

Бошқарма шахсий таркиби ўртасида профилактик ва тарбиявий ишларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариyтига ўзининг ўринbosари, матбуот хизмати бошликлари ва шахсий таркибини тайинлаш, иш жойини ўзгартириш, эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ва бўшатиш тўғрисида таклифлар киритади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариyтига бошқарма ходимларига маҳсус унвонлар бериш, уларни рағбатлантириш ёки уларга нисбатан интизомий жазо қўллаш ҳақида тақдимнома киритади;

Бошқарма ходимларини (ишчиларини) белгиланган тартибда хизмат сафарларига юборади;

Бошқарма ходимларига (ишчиларига) ўз ваколати доирасида меҳнат таътили беради;

ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, таълим муассасалари ва худудий бўлинмалари матбуот гурухлари раҳбарлари ҳисботини эшитади;

Бошқарманинг сафарбарлик тайёргарлигини белгиланган тартибда ташкил этади ва таъминлайди;

Бошқармада маҳфийлик тартиботига риоя этилиши учун жавоб беради.

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

13. Бошқарма бошлиғи йўклигига унинг вазифаларини ўринbosар бажаради.

14. Бошқарма ходимлари (ишчилари) белгиланган тартибда Бошқарма бошлиғи тавсиясига кўра лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 30 октябрдаги
882-сон қарорига
2-илова

**Ички ишлар органларининг ахборот кузатуви соҳасидаги фаолиятини ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар
ДАСТУРИ**

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
I. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан ички ишлар органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олишнинг таъсирчан механизми ва мультимедиа имкониятларини жорий этиши				
1.	Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, жамоатчилик назарига тушган жиноятлар тафсилоти борасидаги ички ишлар органлари фаолиятини тизимли равишда ёритиб берувчи ахборот-тахлилий телерадиокўрсатувларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва татбиқ этиш, улар учун эфир вақтини ҳар ҳафтада ажратишни кўзда тутиш.	Кўшма карор	2017 йил 10 декабрь	ИИВ (Бобоҷонов П.), МТРК (Ҳаджаев А.)
2.	Ички ишлар органлари фаолиятини ёритувчи медиаконтент, улар томонидан ташкил этиладиган тадбир, учрашув ва чиқишлиарнинг босма, телевизион ва электрон оммавий ахборот воситаларида доимий эълон қилиб борилишини таъминлаш тартибини белгилаш.	Ички ишлар вазирининг буйруғи	2017 йил 10 декабрь	ИИВ (Бобоҷонов П.)
3.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинган маълумотларни ижтимоий тармоқлар (facebook, twitter ва бошқалар) ва мобиљ иловалар (telegram, whatsAPP ва бошқалар) дан фойдаланган ҳолда мақсадли аудиторияни кенгайтириш орқали жойлаштирилган контентни каналлар сифатида ўтказиш.	Расмий саҳифаларни ташкил этиш, контентни такрорлаш	2017 йил 15 декабрь	ИИВ (Эргашев Р.)
4.	Содир этилган жиноятлар ва жамоатчилик мұҳокамасига сабаб бўлган воқеаларни, шунингдек, мазкур масалалар бўйича ички ишлар органлари масъул ходимларининг эфирда чиқишлиарини ташкил этиш, ўз вақтида ва ишончли ёритиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Ички ишлар вазирининг буйруғи	2017 йил 20 декабрь	ИИВ (Бобоҷонов П.)

5.	Ички ишлар органлари масъул ходимларини жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан телевизион учрашув ва брифинглар, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва хукуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари бўйича фуқаролар билан очиқ “жонли” мулоқотларини тизимли ташкил этиш.	Кўшма қарор	2018 йил 5 январь	ИИВ (Бобојонов П.), МТРК (Хаджаев А.)
----	---	-------------	----------------------	--

II. Ички ишлар органларининг тармоқ ОАВ веб-ресурслари, нашриёт, телевизион ва студия фаолиятини ривожлантириш

6.	<p>Куйидагиларни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг расмий-веб сайтини такомиллаштириш:</p> <p>ички ишлар органлари фаолияти соҳасини йўналтируvчи меъёрий-хукукий хужжатлар базасини тизимли янгилаш;</p> <p>ички ишлар органлари масъул ходимларининг жамоат тартибини саклаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида юзага келган вазият ва ички ишлар органлари томонидан амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар бўйича чикишларини жойлаштириш;</p> <p>фуқароларни хукуқбузарликлар профилактикаси, қидирувда бўлган жиноятчилар ва бедарак йўқолган шахсларни топишда фаол ёрдам беришга даъват этиш.</p>	Чора-тадбирлар режаси	Тасдиқлаш – 2017 йил 10 декабрь, амалга ошириш - чора-тадбирлар режасига кўра	ИИВ (Эргашев Р.), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов Ш.)
7.	Ички ишлар органлари соҳасида реклама тусидаги материалларни «Postda» ва «На посту» газеталарида белгиланган тартибда жойлаштириш имкониятларини белгилаш (тендерларни ўтказиш, қўриклиш ва ёнгинга қарши воситаларни ўрнатиш ва бошқалар).	Ички ишлар вазирининг фармойиши	2017 йил 17 декабрь	ИИВ (Эргашев Р.)
8.	Ички ишлар органлари ҳақидаги оммавий ахборот воситаларида чиқсан материалларни мониторинг ва таҳлил қилиб бориш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, нотўғри маълумот ва ички ишлар органлари нуфузига путур етказувчи материалларни аниқлаш ва зудлик билан муносабат билдириш (рад этиш).	Ички ишлар вазирининг бўйруғи	2017 йил 20 декабрь	ИИВ (Бобојонов П.)
9.	<p>Ўзбекистон Республикаси расмий веб-сайтида хабарларнинг тезкор ёритилишини ривожлантириш учун «Postda», «На посту» газеталари ва «Qalqon», «Щит» журналлари веб-бўлимларини;</p> <p>хабарларнинг тезкор ёритилишини ривожлантириш учун мобиљ иловани ва фойдаланувчилар етакчи контентини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйини.</p>	Техник топширик	Тасдиқлаш – 2017 йил 25 декабрь, амалга ошириш - техник топширикка кўра	ИИВ (Эргашев Р.), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов Ш.)

III. Ички ишлар органларининг матбуот хизмати фаолиятини тақомиллаштириш, унинг кадрлар ва профессионал салоҳиятини мустаҳкамлаш				
10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати ходимлари (ишчилари)нинг функционал вазифаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, ички ишлар органларининг ахборот кузатуви самарасини ошириш муҳимлигини инобатга олган ҳолда уларнинг фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолаш.	Ички ишлар вазирининг бўйруғи	2017 йил 15 ноябрь		ИИВ (Мирзаев А.)
11. Ички ишлар органлари матбуот гурухлари раҳбарлари бир вактнинг ўзида соҳавий хизмат ва ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқларининг матбуот котиби ҳисобланисини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати штат жадвалини тасдиқлаш.	Ички ишлар вазирининг бўйруғи	2017 йил 30 ноябрь		ИИВ (Мирзаев А.)
12. Ички ишлар органлари матбуот хизматларини журналистика, филология ва юриспруденция соҳалари малакали мутахассислари билан таъминлаш.	Чора-тадбирлар режаси	Тасдиқлаш – 2017 йил 30 ноябрь, амалга ошириш - чора-тадбирлар режасига кўра		ИИВ (Мирзаев А.), МТРК (Хаджсаев А.), ЭОАВМА (Абдухаликов Ф.)
13. Ички ишлар органлари матбуот хизмати ходимларининг (ишчиларининг) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигидан чет эл сафарига чиқсан делегация таркибида Республика оммавий ахборот воситаидида ташриф натижаларини кенг қамровли ва объектив ёритишни тартибга келтириш.	Ички ишлар вазирининг бўйруғи	2017 йил 10 декабрь		ИИВ (Бобоҷонов П.)
14. Ҳар йили ўтказиладиган “Ички ишлар органлари матбуот хизматининг энг фаол ходими” танловини таъсис этиш, ўз ишида юкори натижаларга эришган матбуот хизмати ходимлари (ишчилари)ни рағбатлантириш, шунингдек, таргибот-ташвиқот фаолиятида фаол иштирок этаётган ички ишлар органлари ходимларини рағбатлантириш.	Ички ишлар вазирининг бўйруғи	2017 йил 20 декабрь		ИИВ (Мирзаев А.)
15. Республика ихтисослашган ўқув муассасалари базасида ички ишлар органлари матбуот хизматлари журналист ва техник ходимларининг малакасини доимий равища ошириш тизимини жорий этиш.	Кўшма қарор	2017 йил 15 декабрь		ИИВ (Мирзаев А.), Олий таълим вазирлиги (Набиев Д.), манфаатдор вазирлик ва идоралар

IV. Ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этиш			
16. Ички ишлар органлари матбуот хизматларининг республика ва худудий оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаши.	Кўшма қарор	2018 йил 5 январь	ИИВ (Бобојонов П.), ЎзМАА (Тангриев Л.), МТРК (Хаджаев А.), ЭОАВМА (Абдухаликов Ф.)
17. Ички ишлар органлари матбуот хизматларининг журналист кадрларини шакллантириш, бунда ички ишлар органлари ахборот кузатуви доирасида фаолият юритаётганинги инобатга олган ҳолда муайян оммавий ахборот воситалари билан алоқа ўрнатиши.	Кўшма қарор	2018 йил 10 январь	ИИВ (Бобојонов П.), ЎзМАА (Тангриев Л.), МТРК (Хаджаев А.), ЭОАВМА (Абдухаликов Ф.)
18. Ички ишлар органлари матбуот хизмати билан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телерадиоканаллари ва Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясига аъзо нодавлат телерадиоканаллари ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиши.	Кўшма режа	Тасдиқлаш – 2018 йил 10 январь, амалга ошириш – тадбирлар режасига мувофиқ	ИИВ (Бобојонов П.), МТРК (Хаджаев А.), ЭОАВМА (Абдухаликов Ф.)
19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси медиа-маркази базасида Матбуот клуби фаолиятини ташкил этиш.	Тадбирлар режаси	Тасдиқлаш – 2018 йил 10 январь, амалга ошириш – тадбирлар режасига мувофиқ	ИИВ (Бобојонов П.)
V. Ички ишлар органлари матбуот хизмати фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, унинг моддий-техника базасини янада таомиллаштириши			
20. Фаолият йўналишини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармасининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш мақсадида уни жойлаштириш, шароит яратиш ва бошқа ташкилий масалаларини ҳал этиш.	Чора-тадбирлар режаси	Тасдиқлаш – 2017 йил 20 ноябрь, амалга ошириш – чора-тадбирлар режасига мувофиқ	ИИВ (Эргашев Р.)
21. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармасини автотранспорт воситалари, жумладан, автобус, медиамарказнинг тасвирга олиш ишларини самарали ташкил этиш, ички ишлар органларида ўтказиладиган тадбирлар, учрашувлар ва чиқишиларда жойларга жадал етиб бориш учун барча зарур воситалар билан таъминлаш.	Ички ишлар вазирининг фармойиши	2017 йил 1 декабрь	ИИВ (Эргашев Р.)

22.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматини замонавий телевизион, босма ва бошқа зарур техник воситалар билан таъминлаш дастури лойиҳасини молиялаштириш аниқ манбаларини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Хукумат қарори лойиҳаси	2017 йил 15 декабрь	ИИВ (Эргашев Р.), Молия вазирлиги (Турсунов Ё.)
-----	---	-------------------------	------------------------	--

Изоҳ. Тадбирларни амалга ошириш шакли ўзгариши, ишлаб чиқиладиган норматив-хукукий хужжатлар эса - хукукий муносабатлар предмети ва йўналишидан келиб чиқсан ҳолда бирлаштирилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 30 октябрдаги
882-сон қарорига
3-илова

**«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Postda» – «На посту» газеталари ва «Qalqon» – «Щит»
журналлари бирлашган таҳририяти» давлат унитар корхонасининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**

